

2009, Шайхова Х. Баркамол авлод – ахлоқий кадриятлар қуршовида. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.

3. Қаҳхорова М. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг илмий – услубий асослари. – Тошкент: 2007, 39- б.

4. Тиллаева Г.Ҳ. Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси. -Тошкент: 2009, 38- б.

5. Ниязов Р.А., Мирасланов М.М., Пушкарёнов В.П., Саидов С.Р. Экзогенные процессы в обоснование защиты горных территорий Узбекистана. -Ташкент: «Фан», 1986, -С.78 – 112.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ватанимиз иқтисодий тараққиётида салмоқли ўрин тутган кон саноати соҳасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш масаласи ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы формирования и пропаганды здорового образа жизни в сфере горной промышленности, занимающей значительное место в экономическом развитии страны.

SUMMARY

The article deals with the issues of forming and propagandizing healthy way of life in mining industry field which gets an importance place in the economic development of our country.

АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЎҚУВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

*Г.Ш.Файзуллаева - катта илмий ходим-изланувчи
Самарқанд давлат университети*

Таянч сўзлар: адабий таълим, таянч компетенциялар, умумпредмет, узвийлик ва узлуксизлик тамойили, иктидор, узлуксиз таълим.

Ключевые слова: литературное образование, поэтапное, постоянность, общий предмет, одарённый, тенденция, непрерывное образование.

Key words: stage literary education, basis competences, current subject, non-stop continuous tendencies, gifted, continuous education.

Истиқболимизнинг бош тамойили вазифаларидан энг муҳими сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги асосий омиллардан бири – комил инсонни тарбиялаш вазифаси қўйилган. Бу каби масъулиятли вазифани тарбия воситаси ҳисобланган адабиёт орқали амалга ошириш муҳимдир.

Адабиёт – мафкура, ғоя, дунёқарашларни ёйиш ва ўзгаларга сингдиришнинг оммабоп шакли. Шундай экан, бадиий адабиётнинг таъсир доирасини янада кенгайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодга теранроқ сингдириш ва ижобий натижага эришиш фанни ўқитишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу мақсадни юзага чиқариш, бугунги кундаги таълим талаблари доирасида барча фан соҳалари каби адабиёт ўқитиш методикасида ҳам янгича ёндашувларни амалиётда қўллаш, машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини янада ошириб бориш, фанни ўқитиш борасидаги ижодий изланувчанликни изчилликда такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатади. Адабиёт ўқитувчисидан ижодкорликни талаб қилувчи ўқитиш тамойилларидан бири адабий таълимга компетенциявий ёндашувдир.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот коммуникация технологияларидан ўз фао-

лиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат кўникмаларини шакллантиради, таълим беришда узвийлик ҳамда узлуксизлик тамойилига амал қилишни таъминлайди. Адабиёт фани инсон ҳаётида зарур бўлган таянч, умумпредмет, предмет ва хусусий компетенцияларни ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Инсоннинг кўпинча тегишли фаолият соҳаларида эришадиган ижобий натижаларининг асосий омил – бу унинг етарлича билим ва тасаввури мавжудлигида эканлиги кўпгина илмий тадқиқот ишларида исботланган.

Ҳозирда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида адабиёт фани соҳасида горизонтал ҳамда вертикал узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш бўйича адабиёт ўқитишнинг фундаментал методикасини яратиш жараёни ниҳоясига етмаган бўлса-да, тажрибали педагоглар ва шу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган олимларнинг тавсияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Лекин, кузатишлар шуни кўрсатадики, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг айрим ўқувчиларида бадиий адабиётга оид билимлар етарли даражада эмас. Бунга бир қанча омиллар сабаб бўлмоқда. Улардан энг асосийси таълим мазмунини очиб беришга қаратилган замонавий таълим методларини татбиқлаш ва ўқувчиларнинг билимларини амалиётга қўллай олиш маҳоратини ривожлантириш муаммосидир. Ҳозирги кунда маълумотлар ва билимлар захираси кескин ўсиши натижасида илм ва уни амалиётда қўллай олиш маҳоратини тўғри тақсимлаш зарур.

Чукур билимга асосланган ҳолда маҳоратни ошириб бориш услуги ҳисобланган компетент ёндашув ва компетентликни шакллантириш муаммоси етакчи олимлар И.Зимняя [2], Б.А. Болотов, П.Л.Борисов [1], Т.В. Иванов, Г.Н.Подчалимов, В.В.Сериков, Б.Д.Эльконин, Б.Тўраев [6], Н.А.Муслимов, Б.Каримова[4], Х.Қ.Қаршибоев [7] каби қатор олимларнинг ишларида ўрганилган ва бир қанча тавсиялар тизими ишлаб чиқилган.

Бундай ёндашувда илмга бўлган интилиш сира сусаймайди, аммо катта эътибор ўша олган билимнинг амалиётда оқилона қўллаш олишга, жамиятда самарали фойдалана олишга қаратилади. Юқорида келтирилган педагог олимларнинг ишларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, компетентлик шахснинг мураккаб ижтимоий – касбий қобилияти сифатида қабул қилинса, компетенция эса шахсий хусусиятлар ва профессионал тайёргарликни ўзида мужассамлаштиради деб эътироф этиш мумкин.

Компетентлик ўз ичига компетенциялар тизимини қамраб олиб, шахснинг амалий вазиятларда фаол иштирок этиши ва уларнинг рационал ечимини излаб топишда ўзини ўзи такомиллаштириш қобилиятлари билан узвий боғлиқ. Педагог олимларнинг таъкидлашича, компетентлик маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритишга имкон берадиган билимга эга бўлиш, далил исботли фикр, кишининг муайян соҳада савиясини ифода этиш даражасидир. Компетентлик инсонга муайян масалаларда фикр билдириш, маълум қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиши ёки мустақил равишда қарор қабул қилиши имконини беради. А.Зимняя [2] эса компетентликнинг асосий учта гуруҳини ажратиб кўрсатади:

1. Ўқув билиш компетенцияси. Муайян ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳаётий фаолиятнинг субъекти ҳисобланувчи шахснинг ўзига боғлиқ бўлган компетентлик.

2. Ахборот компетенцияси. Инсон фаолиятининг барча турлари ва шаклларида намоён бўладиган компетентлик бўлиб, унинг топқирлиги дунёқарашининг кенглиги билан боғлиқ равишда тегишли маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, абстракциялаш ва замонавий воситалардан оқилона фойдалана олиш жараёнида намоён бўлади.

3. Коммуникатив ва тадқиқотчилик компетенцияси. Инсоннинг ижтимоий муносабатларда фаоллиги, ўзини кўрсата олиши, муаммонинг турли хилдаги ечимларини топа билиши, энг рационал йўللارни келтириши ва бошқалар билан ўзаро алоқаларига тааллуқли бўлган компетентлик.

Ушбу терминни адабий таълим мисолида соддарок ифодамоқчи бўлсак, адабиёт фанини таълим босқичлари давомида ўқиш, ўрганиш, маълумотлар базасини синтезлаш орқали шахс сифатида ўз-ўзига сингдириш ҳамда тўпланган билим, кўникма ва малакаларни анализ қилиш орқали амалий ҳаётда қўллаш ёки бошқаларга улаштириш жараёни дея таърифлаймиз. Чунки фақат ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда ўзгалар билан бўлишиш мумкин.

Умумтаълим мактабларида ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида адабиёт фанини ўқитишда ўқувчилар эгаллашлари керак бўлган таянч компетенциялар муҳим компетенциялардир.

Булар:

- ✓ коммуникатив компетенция;
- ✓ ахборот билан ишлаш компетенцияси;
- ✓ шахс сифатида ўз-ўзини ривожлан-тириш компетенцияси;
- ✓ ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси;
- ✓ умуммаданий компетенциялар;
- ✓ математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси.

Педагогик фаолият самарадорлиги даража-си “компетенция” ва “компетентлик” тушун-чалари ёрдамида баҳо беришдек амалиёт янада оммалашиб кетди.

Олимларнинг фикрига кўра, “компетенция” шахс мукамал биладиган предмет – соҳа бўлиб, унинг фаолият кўрсатиши учун тайёр эканлиги ўлчови ҳисобланади. “Компетентлик” тушунчасини эса ундан фаркли ўларок, шахснинг йўналитирилган таснифи, битирув-чининг маълум соҳада фаолият кўрсата олиши кўникмаси эканлигини таъкидлайдилар.

Компетенция умумий тузилишининг унсурларидан бири сифатида муаллифлар “табiiй компетенция”ни белгилайдилар. Бу инсонга табиат томонидан берилган, айтиш жоиз бўлса, қобилият эканлигини очиб беради. Педагогикадаги энг муҳим компетентлик – “орттириш, эгаллаш, ўзлаштириш компетентлиги” билим ва маҳорат бўлиб, ўқув жараёнида ҳамда кундалик педагогик фаолият натижасида юзага чиқади [3].

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тизимида адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланиш, дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаол бўлиши, уларнинг зеҳнини ўстириш, атроф оламга нисбатан меҳр ва эътиборни, фанга бўлган қизиқишларини ошириш замон талабларидан биридир.

Компетенциявий таълимни амалга ошириш учун ўтиладиган дарслар ҳам компетент бўлиши кераклигини таъкидлаган олим Б.Н.Турдиев компетент дарснинг мезонларига тўрт даража беради. Даражаларнинг биринчи иккитаси ўқитувчи томонидан дарснинг элементларини режалаштириш ва анализ қилиш кўникмасини қайд этади. Учинчиси, ўқитувчининг ўз режасини қанчалик саводли равишда амалга оширишни билдиради. Энг юқори тўртинчи даражага назария ва амалиётни тўла эгаллаган, дарс жараёнида синфда рўй берган ўзгаришга эътибор қаратган, дарснинг турли компонентларини вазиятга қараб ўзгартирадиган педагог эришади [5].

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш бўйича таълим технологияларини танлашда ўқитувчи тақвим-мавзу режада мазкур синф учун белгиланган таянч компетенцияларни белгилаб

олади. Шундан сўнг ўрганилиши зарур бўлган мавзу ва шакллантириладиган компетенцияларни ҳисобга олган ҳолда дарсни ўтиш методини танлайди. Ўтиладиган дарс тури адабиёт мавзулари ва босқичлари доирасидаги узвийлик ва узлуксизлик тамойилига асосланган бўлиши лозим.

Ўқувчилар адабиёт фани доирасида кенг миқёсдаги лойиҳалар, масалан, ижодий, маълум бир табиат ҳодисасини ёки воқеалар ривожини кузатиш, амалий тажрибаларни олиб бориш, турли ҳаётий вазиятларда тадқиқотлар ўткази олиш каби амалий лойиҳаларни бажарадилар. Шу сабабли ўқитувчи томонидан умумий ўрта таълим ва узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган академик лицей ва касб-хунар коллежларида адабиёт фанини ўқитиш жараёнига ўқувчиларнинг ижодий ташаббуси ва билиш фаолиятини ривожлантирадиган ҳамда адабий таълимни замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий асослари билан боғлайдиган таълим методларини жорий этилиши керак.

Адабиёт ўқитишнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, адабий таълимнинг сифат ва самарадорлигига эришиш ҳамда адабиёт фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувни амалга оширишда куйидаги омилларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- адабиёт дарсларида ўқувчининг ўзлаштириш имконияти билан тақдим этилган билимлар, топшириқлар, вазибаларнинг ҳажми ва қийинчилик даражаси орасидаги зиддиятларни аниқлаш;

- дарсда ўқувчининг вақт бюджети билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш ва тавсиялар бериш;

- адабиётга оид назарий тушунчаларни баён қилишда интерфаол методларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлаш;

- ҳар бир дарс машғулотининг технологик харитасини ишлаб чиқиш ва дарс жараёнида қўлланиладиган методларнинг ўринини белгилаб олиш;

- анаънавий таълим ва педагогик технологияларга асосланган дарснинг мақсадлари ва уларни амалга оширишдаги фарқ билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб олиш;

- дарсда ўқувчининг мантиқий, бадиий ва амалий тафаккурини ривожлантиришни амалга ошириш;

- ўқувчиларни ҳамкорликда таълим олишларида ўз-ўзини бошқарувини такомиллаштириш;

- ҳар бир машғулотда янги тушунчани баён қилишдан аввал ўтилган мавзуларга оид узвийлик ва узлуксизлиги таъминловчи суҳбатлар ўтказиш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кун ижтимоий талабларига жавоб берадиган комил инсонни тарбиялашда адабий таълимга компетенциявий ёндашиш ҳамда дарс машғулотларини ушбу ёндашувга хос методлардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш кўзланган натижага олиб боради.

Адабиётлар

1. Борисов П.П. Компетентностно деятельностный подход ш., модернизация содержания общего образования. // Стандарты и мониторинг в образовании. – 2003. -№ 1. С. 58-61.
2. Зимняя А.И. Ключевые компетенцииновая парадигма результата современно образования // Интернет – журнал. “Эйдос” 2006 5-мая. С.43-47.
3. Маманазарова М.К. Мехнат таълими йўналишида ўқувчилар шахсини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш.// “Амалий фанлар бўйича мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчилар ижодкорлигининг ҳолати ва уни янада такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд – 2016.
4. Муслимов Н.А. Каримова Б.М. Касб таълими ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012.
5. Турдиев Н.Ш., Акбарова С.Н. Ўқувчиларда компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган дарсларни экспертиза қилиш мезонлари тўғрисида. / Тошкент: “Таълим технологиялари”, 2016., 2-сон, 2-5 б.
6. Тўраев Б. “Ахборот компетентлиги” тушунчаси, унинг мазмуни ва таркибий қисмлари / Педагогик таълим. – 2013. - № 6. 32-33 б.
7. Қаршибоев Қ.Х. Олий таълим битирувчисининг компетентлигини аниқлаш мезонлари бўйича айрим мулоҳазалар. / Педагогик таълим. – 2010. - № 1. 29-31 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчи шахсини такомиллаштиришда адабий таълимнинг роли, адабиёт ўқитишда узвийлик ҳамда узлуксизлик тамойилига амал қилиш орқали машғулотларни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ёритилган. Шунингдек, ўқувчиларда таянч ва умумпредмет, предмет каби компетенцияларни шакллантиришга адабий таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш орқали эришиш мумкинлиги асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль литературного образования в развитии личности ученика, раскрываются условия организационных занятий при выполнении непрерывной и постоянной тенденции. А также, обоснованы возможности достижения формирования общепредметных и опорных, предметных компетенций учеников способом повышения качества и эффективности в преподавании литературы.

SUMMARY

The article deals with the main role of literary education in the improvement of pupil's personality, it describes conditions of lessons' organizations by means of using non-stop and continuous tendencies in teaching literature. Moreover, it has been based on possibilities of the formation of competence of the basic and current subject, by means of the improvement of quality and efficiency in teaching literature.